Ушбу сонда:

2-3 «Ишонч» бонг уради
ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БАХТСИЗ ҲОДИСА
бўлмаслиги мумкин эди

4 Турмуш чорраҳаларида
ТУН ЯРМИДАН ОҚҚАНДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ / FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 16 декабр, жума № 200 (2041)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## НОЗ-НЕЪМАТ ШАҲАРЛИКЛАРГА МАНЗУР

***Янги йил байрами арафасида мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, вилоят ва туман марказларида, йирик саноат шаҳарларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари ташкил этиш яхши анъанага айланиб қолди.***

Сурхондарёлик миришкорлар пойтахтимизнинг «Чоштепа» деҳқон бозорига ҳозирга қадар 192 тонна маҳсулот етказиб берди. Улар шаҳарликлар дастурхонига ҳаммаси бўлиб 350 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тортиқ этишни режалаштирган.

Сариосиё туманилик уста боғбон, Ҳисор тоғи этакларидаги лалми ерларда ажойиб боғ яратган Носирхон Тўрақулов раҳбарлигидаги «Боғу бўстон» фермер хўжалигида етиштирилган олма, узум, анор, зиғир ёғи, асал каби ноз-неъматлар харидорларга айниқса манзур бўлмоқда.

# БИР ТАШАББУС ШАРОФАТИ

### Булоқбоши тумани ҳокимлиги маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда газ, электр энергияси таъминотидаги масала-муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга эришмоқда

***Булоқбоши тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Комилжон Хусанов бир гуруҳ маҳалла фаоллари, мутахассислар билан қишки тадбирларни кўнгилдагидек амалга ошириш учун ташкилотчилик ва қатъиятлик кўрсатишмоқда. Улар марказий қозонхонани назардан ўтказгач, олис қишлоқларни кезиб, одамлар билан дилдан суҳбатлашиб, газ, электр ҳамда сув таъминоти қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқишади.***

Булоқбоши қишлоқ фуқаролар йиғини биносида оқсоқоллар билан кенгаш ўтказилди. Жонли мулоқот чоғида меҳнат фахрийлари, ўзгалар ёрдамига муҳтожлар ва албатта касалхоналар, илм масканларидаги шароит ўрганилди. Гуруҳ аъзолари якка-ёлғиз яшайдиган Эргашбой Жўраев хонадонида бўлиб, кўнгил овладилар. Аввалги учрашувда нуроний кўмирдан ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилганди. Илтимоси қондирилди. Қишлоқ тадбиркорлари ҳомийлигида қиш мавсумига етадиган кўмир ғамлаб берилди. Отахон ўзи каби табаррук инсонларга катта меҳрибонлик кўрсатаётган ҳукуматимиз, давлатимиз раҳбарини дилдан дуо қилди.

Барчани ўйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмасди. Баъзи маҳалла фаолларининг кўнгли бўшлиги, аниқроғи, муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганликлари қимматга тушаётганди. Яъни, кимлардир назоратнинг сустлигидан фойдаланиб қинғир ишларга қўл ураётганди. Жумладан, Тожиддин Худойбердиев оқсоқол бўлган Тошкечик маҳалласидаги хонадонлар томонидан 20 минг киловатт-соат электр қуввати ўмарилганди. А.Охунов деган баобрў кимса хусусий вулканизация очиб, ойлар мобайнида электр энергиясидан ўғринча фойдаланиб келган. Ўша ерда фаоллар йиғилиши ўтказилиб, айбдорлар изза қилинди ва уларга тегишли чора кўрилди.

Коммунал хизмат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Президентининг «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2005—2006 йил кузқиш даврида узлуксиз ишлашга тайёрлаш тўғрисида»ги Фармонидан сўнг туман ҳокимлигининг тадбирлари ишлаб чиқилди. Унга кўра 1,2 километр узунликдаги иссиқлик, 0,5 километр масофадаги сув ҳамда 4,2 километр табиий газ қувурлари, 6 та қозонхона сифатли таъмирланди. Канализация ва иситиш тармоқлари иши тубдан яхшиланди. 283 та газ тақсимлаш пунктлари кўрикдан ўтказилиб, тўлиқ созланди. Қирчиллама қиш чоғида энергияга бўлган талаб кескин ортиши ҳисобга олиниб, қўшимча трансформатор ишга туширилди. Жойларда автомат тарзда ишлайдиган бешта ўчиргич ўрнатилди. Қувончлиси ва ибратлиси шуки, бундай ишларнинг аксарияти ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Ҳокимлик, маҳалла фаоллари аҳоли талабини ўрганиб чиқиб, кўмирни марказлашган ҳолда келтириш ҳамда барчага қулай бўлган усулда сотишни йўлга қўйди. Шу тариқа арзон нархда 40 тонна кўмир аҳолига тарқатилди. Бунда биринчи навбатда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига эътибор қаратилди. Еттита эҳтиёжманд оиланинг ҳар бирига 200-300 килограммдан бепул кўмир ажратилди. Тўрт нафар якка-ёлғиз нуронийнинг коммунал тўловлари ҳомийлар томонидан қопланди.

Андижон шаҳар коммунальчиларининг ҳам бу борадаги ибратли ишлари, ташаббуси жойларда кенг оммалашмоқда. Шаҳардаги Торобий маҳалла фуқаролар йиғини коммунал тўловларидан тушган пул йиғимининг 10 фоизини маҳалла ҳисоб рақамига ўтказди. Ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракат шарофати ила қайд этилган ҳисоб рақамига қисқа вақт ичида яхшигина маблағ тушди. Уларнинг асосий қисми ижтимоий ҳимоя, хонадонларни электр ва газ билан мунтазам таъминлашга йўналтирилмоқда.

Яна аввалги гапга қайтсак, Кулла қишлоғидаги Янгиариқ маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Матлубахон Мамитованинг жонбозлиги, ўзгалар дардида куюб-пишиши ўз самарасини бераяпти. Бу ерда ҳам ҳашар йўли билан қувват трансформатори ўрнатилди. Мақсад нурдан ўғринча фойдаланишга йўл қўймаслик, иложи борича кўпроқ энергияни иқтисод қилиш. Туман электрлаштириш корхонаси бу ибратли ҳаракатни қўллаб-қувватлади. Тушумларнинг 10 фоизини маҳалладаги кам таъминланган оилаларни бепул электр энергияси билан таъминлашга изн берди.

Туман электр корхонасининг бош муҳандиси Зухриддин Йўлдошев қуйидагича ҳикоя қилади:

– Бир ташаббус кенг оммалашиб катта наф берди. Аҳолига электр энергияси мунтазам етказиб берилмоқда. Энергия истеъмолидан қарздорликни тугатиш борасида ҳам шахдам қадамлар қўйилди. Масалан, 2005 йил 1 ноябр ҳолатига дебитор қарздорлик 105 миллион сўмга, аҳоли ҳисобига 36,8 миллион сўмга камайтирилди.

Бош диспетчерлик пунктида ҳаёт қайнайди. Мониторлардаги оқ, қизил, яшил, ним пушти митти чироқчалар тўхтовсиз ёғду сочиб турибди. Улар тумандаги аҳоли-пунктларининг шартли белгилари. Диспетчернинг нигоҳи экранга қаратилган. Жойлардаги назоратчилар вақти-вақти билан у билан боғланиб, аҳвол ҳақида ахборот бериб туришибди.

Юқорида қайд этилган туманлар ҳокимликлари, маҳалланинг фаоллари ҳамда мутасадди мутахассислар турли баҳоналар, важ-карсонларни четга суриб қўйиб, газ, электр таъминотидаги масала-муаммоларни ҳамкору ҳамжиҳатликда ҳал этишга эришмоқдалар. Илғорлар тажрибаси, ташаббуси оммалаштирилганлиги мақсадга эришишда муҳим рол ўйнамоқда.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Инсон манфаати йўлида*

# СОҒЛОМ ХАЛҚ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

***Одатимиз шундай: дўсту биродаримизни учратсак, аввал соғлигини сўраймиз. Бировга тилак билдирсак ҳам даставвал «тўрт мучанг соғ бўлсин, бошинг омон бўлсин» деймиз. Хуллас, ҳаёт, тириклик учун тўрт унсур – Ер, Сув, Қуёш, Ҳаво қанчалик зарур бўлса, биз инсонлар учун саломатлик шунчалик қадрлидир.***

Эзгуликларга туташ йилларнинг ҳар бири «Соғлом аёл – соғлом фарзанд – соғлом жамият» тизимининг мазмун ва моҳиятини белгилаб беради. Зотан, «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури ҳам бебаҳо бойлик соғлиқни сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлишга даъват, десак асло муболаға эмас.

Асосий мазмун-моҳияти ва фалсафаси «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир» деган ғоя мужассамлашган ушбу йилда тиббиёт соҳасини янада юксак босқичга кўтаришда кўплаб амалий ишлар қилинди. Жумладан, мамлакатимизда 38 та шифохона ва сиҳатгоҳ жаҳон андозаларига мос янгидан барпо этилди, тўлиқ капитал таъмирланди, реконструкция қилинди. 93 та даволаш-профилактика муассасаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, бир сменада 10 минг 500 беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари, жумладан, 210 та қишлоқ врачлик пункти ишга туширилганлиги бу борадаги ишлар кўламининг нақадар катталигидан далолат беради.

Давлат дастурида белгиланганидек, қишлоқ врачлик пунктларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш натижасида 800 минг нафар киши малакали тиббий хизматдан фойдаланди. Бундан ташқари, 2 миллион кишига қўшимча хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Халқ саломатлиги йўлидаги бундай эзгу ишлар мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туманларда амалга оширилганлиги қувончли ҳолдир. Жумладан, Когон шаҳри ва Янгибозор туманида янги шифохона, Боғот туманида туғруқхона мажмуи, шунингдек, Қарши шаҳрида кардиология ва ихтисослаштирилган урология марказлари, Самарқанд вилоят тез тиббий ёрдам марказининг Оқдарё филиали, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийси, Фарғона вилоятидаги Чимён санаторийсида янги корпус, Фарғона шаҳрида болалар аквапарки каби замонавий тиббиёт ва инсон камолига хизмат қилувчи иншоотлар барпо этилди. Тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, қолаверса, малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳам дастурда белгиланган вазифалар уддаланди. Жумладан, шошилинч тиббий хизматнинг марказий ва жойлардаги шифохоналари 127 та махсус автотранспорт ҳамда замонавий алоқа воситалари билан таъминланди. Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил этилиши эса соҳада замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашда муҳим омил бўлди. Академия қошида ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ва учта янги тиббиёт коллежининг фойдаланишга топширилиши кадрлар тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этди.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастурида кўрсатилган муҳим вазифаларни бажаришда энг оммавий ташкилот ҳисобланган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этди. Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси тизимида айни кунда 19 та сиҳатгоҳ мавжуд. Уларда ҳар йили 55 минг нафар фуқаро саломатлигини тиклаб, мириқиб дам олмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, экологик ноқулай шароитда яшовчи Оролбўйи аҳолисини соғломлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида «Гулпаршин», «Айдосқалъа» санаторийлари ташкил этилди. Кейинги йилларда дам олувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш, мазмунли дам олиш ва соғлиқларини тиклаш учун жаҳон андозалари талаблари асосида оилавий ва люкс хоналари ташкил этилди. Шифо масканлари тармоғини ривожлантириш, уларни қайта қуриш бўйича амалий ишлар қилинди. Ноёб тиббий иқлим, маъданли сув ва даволаш омиллари дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Муолажаларда фойдаланилаётган минерал сувлар ҳатто дунёга машҳур санаторийлар билан бемалол рақобатлаша олади. Муҳими, айни кунда Федерация тасарруфидаги барча санаторий ва дам олиш уйлари меҳнаткашлар хизматида. Ижтимоий суғурта бюджетининг асосий қисми меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга йўналтирилганлиги бу борадаги ишлар кўламининг нақадар улканлигидан далолат беради. Ўтган беш йилда касаба уюшма органлари корхоналардан олган 53 миллиард сўмдан зиёд маблағнинг 41 миллиард сўми ходимлар ва уларни соғломлаштиришга йўналтирилди. 637 минг нафардан ортиқ меҳнаткашлар соғломлаштиришнинг барча турлари билан қамраб олинди. Оромгоҳларда 1,3 миллион бола, шу жумладан, 10 мингдан ортиқ етим болалар, Оролбўйи ҳудудининг 38 минг 330 нафар болалари соғломлаштирилди. Шунингдек, 51 минг 868 дона имтиёзли йўлланмалар пенсионер, уруш ва меҳнат фахрийларига ажратилди. Шундан 4257 та йўлланма бепул берилди.

Касаба уюшмалари шунингдек, спортнинг оммавийлигини таъминлаш йўли билан аҳолини, айниқса, ёш авлодни соғлом, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга асосий эътиборни қаратмоқда. Тасарруфдаги жисмоний тарбия ва спорт жамиятларида 1,5 миллион аъзо спорт билан шуғулланмоқда. Ушбу тизимда 67 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мавжуд. Спортчилар орасида нафақат республика, шунингдек, жаҳон, олимпиада чемпионлари борлиги қувончли ҳолдир. Ҳар йили катта тайёргарлик ва байрамона руҳда ўтаётган Федерация Кенгаши спартакиадалари меҳнаткашларни соғломлаштириш ва спортнинг оммавийлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Дарҳақиқат, саломатлик бебаҳо бойлик. Соғлиқ учун қайғуриш нафақат тиббиёт ходимларининг, балки умумхалқ ишига айланмоғи лозим. **Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Юртбошимиз таклифи билан 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.** Қолаверса, бу икки тушунчани ёнма-ён қўйилишида чуқур мантиқ ва рамзий маъно бор. Ҳомийлик ва шифокорлик тушунчалари ҳам бир-бирига узвий боғлиқ. Шифокорлар саломатлик посбони сифатида инсонни дарддан фориғ этса, ҳомийлар саховат, меҳр-оқибат, бағрикенгликлари билан улар дилини шод қилишади. Демак, ҳомийлар ҳам, шифокорлар ҳам саховат, меҳр-мурувват тимсолларидир. Бундай қуёш қалбли инсонлар бор экан, дунёда яхшилик яхшиликдан руҳ олиб, қувватланиб бораверади. Юксак фазилатлар эгаси ҳазрат Алишер Навоий лутф этганларидек:

*Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин*
*шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон бўлса*
*обод айлагай.*

*Бозор талаби қатъий*

***Эҳтиёжни ўрганиш, бозорда муҳим ўрин тута оладиган маҳсулот ишлаб чиқариш давр талаби. «Янгиерйўлиндустрия» корхонаси ана шу йўлдан одимлашга интилиб келаётган жамоалардан. Бу саъй-ҳаракат янги маҳсулот тайёрлаш билан бир пайтда кўплаб одамларни иш билан таъминлаш имкониятини берди.***

Ҳамкорликка, шерикчиликка синашта бўлиб қолган Россия корхоналари танланди. Томск шаҳридаги «Анит» масъулияти чекланган жамият билан амалий алоқалар боғланиб, корхона базасида эҳтиёжбоп маҳсулот-электродлар ишлаб чиқарадиган «Тоян» қўшма корхонасига асос солинди. Мана, ўн ойдирки бир кеча-кундузда 2 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган меҳнат жамоаси фаолият юритиб келаяпти. Хомашёни узлуксиз

# «ХОРИЖДА ҲАМ МИЖОЗЛАРИМИЗ БЎЛАДИ»

етказиб беришни Россия томони ўз зиммасига олган. Қолган юмушларнинг барчасини янгиерликлар амалга оширишмоқда.

Бозор талаби қатъий. Фақат сифатли маҳсулотгина мижозни ўзига тортиши мумкин. «Тоян» электродлари барча талабларга жавоб бера олиши билан кўпчиликка манзур бўлаяпти. Илк кунларданоқ қўшни давлатлардан буюртмалар кела бошлагани маҳсулотга талаб қанчалик эканлигидан далолат. Ички бозорда 30 тонна маҳсулот реализация қилинган бўлса, қўшни Қозоғистонга 10 тонна маҳсулот сотилиши мўлжалланаяпти. Тўғри, ҳали корхонанинг оёққа туришига, маҳаллий ва хориж бозорларини тўлиқ эгаллашига фурсат бор. Баъзи муаммолардан кўз юмиб ҳам бўлмайди. Хусусан, айланма маблағ етишмовчилиги яққол сезилиб қолмоқда. Бу муаммодан ҳеч ким ташвишга тушгани ҳам йўқ. Муддао ҳудудда камёб ҳисобланган халқ хўжалиги учун зарур электродлар тайёрлашни замон талаблари асосида йўлга қўйишдир.

Янги қўшма корхонадан барча мамнун. Бир қатор одамлар иш билан таъминланди. Уларга иш шароити яратиш, ойлик маошни ўз вақтида бериш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш намунали ташкил этилди. Таъкидлаш жоиз, Янгиерда тажрибали ишчилар сероб. Бахтиёр Бунятов ана шуларнинг бири. У ўзининг кўп йиллик тажрибасини ишга солаяпти. Шу боис энг масъулиятли вазифа айнан ана шу мутахассисга ишониб топширилган.

«Тоян»нинг истиқболи порлоқ. Чунки Мирзачўл заминида ҳали бу турдаги корхоналар кам. Демак, маҳаллий бозорда истеъмолчи етарли. Бироқ бу чегара эмас. Нафақат яқин, балки хорижда ҳам ўз мижозларини кўпайтириш, рақобатда ғолиб чиқиш бутун жамоа орзусига айланган.

**Ш.НУРИЕВ**





Республикамизда қурилаётган коллежлар ёшлар келажагини белгилаб берадиган асосий маскан. Мустақиллик туфайли ўғил-қизларимиз шинам, озода ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган синфхоналарда билим олишмоқда.

Термиз шаҳридаги тиббиёт коллежида ҳам бугунги кунда келажаги баркамол ёшларимиз турли мутахассисликлар бўйича таҳсил кўришаётир.

***Суратларда: Термиз тиббиёт коллежи ўқитувчиси Гулсин Абдуллаева талабалар билан; коллежнинг умумий кўриниши.***

**И.ХЎЖАЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

***14 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси собиқ раҳбарлари, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги УЯ-64/18 муассасаси ходимларига - жами 12 шахсга оид жиноят ишини суд мажлисида кўриш бошланди.***

Суд муҳокамаси Олий суд раисининг ўринбосари Бахтиёр Жамолов, Олий суд судьялари Воҳиджон Назаров ва Маматжон Ғанижоновдан иборат таркибда, давлат айбловчилари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи Эркин Йўлдошев, масъул ходимлари Музаффар Мирсолиҳов, Ҳамид Ҳамроқулов ва 11 нафар ҳимоячи иштирокида олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот хизматидан маълум қилинишича, мазкур жиноят ишида давлат сирларига оид маълумотлар мавжуд бўлганлиги сабабли, суд томонидан суд муҳокамасининг давлат сирлари билан боғлиқ қисмини ёпиқ, қолганини, оммавий ахборот воситаларидан келган илтимосномаларга асосан, очиқ суд мажлисида кўриш ҳақида ажрим чиқарилган.

Суднинг биринчи иш куни суд таркиби ва суд жараёни иштирокчилари эълон қилиниб, уларга нисбатан рад этишлар бор-йўқлиги, судланувчиларнинг шахси аниқланди. Судланувчиларга, жабрланувчиларга ва суд жараёнининг бошқа иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди. Иш бўйича давлат айбловчиси томонидан айблов хулосаси ўқиб эшиттирилди.

Дастлабки тергов ҳужжатларига қараганда, Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси собиқ раҳбарлари, ушбу вилоят патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимлари ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганликлари, милиция ва ҳарбий объектларнинг белгиланган тартибда қўриқланишини таъминламаганликлари, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни сақлашда бепарволикка йўл қўйганликлари аниқланган. Оқибатда 2005 йил 12 майдан 13 майга ўтар кечаси террорчилар томонидан патруль-пост хизмати батальони, ҳарбий қисм, қамоқхона каби объектлар жиддий тўсиқларсиз эгалланиб, кўплаб қурол-яроғ ва ўқ-дори қўлга киритилган, юзлаб хавфли жиноятчилар қамоқхонадан ноқонуний озод қилинган. Террорчилик ҳаракатлари содир қилиниши оқибатида бегуноҳ фуқаролар вафот этган, давлат, жамоат ва фуқароларнинг мулкига жуда кўп миқдорда зарар етказилган ҳамда оғир оқибатлар келиб чиққан.

УЯ-64/18 муассасаси ходимлари моддий манфаатдорлик эвазига озодликдан маҳрум қилиш жойида жазо ўтаётган «Акромийлар» диний экстремистик оқими асосчиси саналмиш Акром Йўлдошевга уяли телефон аппарати олиб кириб берган. У эса ўз навбатида ушбу телефон орқали жиноий шериклари билан боғланиб, террорчилик ҳаракатларини режалаштириш, қуролли ҳужумларни амалга ошириш каби жараёнларни уяли телефон ёрдамида мувофиқлаштириб турган. Тергов органлари томонидан ушбу шахсларга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айб эълон қилинган. Судланувчилар айбларига иқрор ва қисман иқрор эканликларини билдириб, кўрсатма беришмоқда.

**(ЎзА)**

# ЎТ ЎЧИРИШ БЎЛИМИ

***Поп туманида замонавий ускуналар ва техника билан жиҳозланган янги ўт ўчириш бўлими иш бошлади.***

Унда малакали кадрлар - туман ички ишлар бўлимининг 1-профессионал ёнғинга қарши кураш қисми аскар ва офицерлари хизмат қилмоқда.

Икки қаватли бино ҳомийларнинг фаол ёрдамида бунёд этилди. Бу ерда ўт ўчирувчиларнинг тўлақонли ишлаши, ўқиши ва дам олиши учун барча шароит яратилган.

## ҚОНУНИЙ МАНФААТ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТЛАНГАЧ

Ислоҳот мевалари

***Тадбиркорлик – давр талаби. Бугунги кунда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, савдо-сотиқни йўлга қўйиш, аҳолини иш ва доимий даромадлар билан таъминлашда тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг фаол иштирок этаётгани ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.***

Хоразм вилоятида ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга, уларни молиявий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бугунги кунда вилоятда 22 минг дан зиёд юридик шахслар мазкур соҳада фаолият кўрсатмоқдалар. Шунингдек, 2005 йил давомида 8200 нафардан кўпроқ якка тадбиркорлар қайта рўйхатдан ўтишди.

Мустақиллик йиллари мобайнида давлатнинг фаол инвестиция сиёсатининг асосий жиҳатлари иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги ўзининг ижобий натижаларини берди. Кўплаб корхоналар ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйиб, халқ эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни етказиб бермоқдалар, аҳолига турли хизматлар кўрсатмоқда. Шунингдек, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш туфайли, вилоятда енгил саноат мажмуалари қурилиб, ишга туширилди. Айни пайтда Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги «Хоразм-Нурота», «Шовот-Текстил», Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигидаги «Унихо», «Хива-Карпет» каби 26 та йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Улар мамлакатимизнинг ички бозорларини юқори сифатли тўқимачилик ва гилам маҳсулотларига бойитиш билан бир қаторда, хорижий давлатларга ҳам ўз маҳсулотларини чиқармоқдалар. Ўтган ойларда Хоразм вилояти ташқи савдо обороти 101 миллион 618 минг АҚШ долларига тенг бўлди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,1 барварга ўсган.

Халқимизда, интилганга толе ёр, деган мақол бор. Ўз фаолиятларини қонун ва қарорлар асосида олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари иқтисодий аҳволининг тобора яхшиланаётганлиги, Президент Фармонлари ва қарорлари асосида уларнинг қонуний манфаатлари мустаҳкам кафолатланиб, қулайликлар яратиб берилаётганлиги ҳам ана шу сўзлар ҳаққонийлигининг ифодасидир.

Жумладан, «Микрофирма ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони тадбиркорлар учун қатор имтиёзлар берди. Унга кўра, 2005 йил 1 июлдан бошлаб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика Йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Бу солиқ тўлови учун ҳам, солиқ ҳисоботи учун ҳам ниҳоятда қулай бўлиб, тадбиркорларнинг асосий эътиборини ишлаб чиқариш фаолиятига қаратишга имкон беради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2005 йил 1 июлидан бошлаб акциз солиғи олинадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида соликқа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтирилган тартиб ўрнатилган. Бу ҳам ана шундай корхоналар елкасидаги солиқ юкини анча енгиллаштиради.

Фармонда янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилган.

Бунинг қулайлик томонлари шундаки, янги ташкил этилаётган корхоналар имтиёзли даврда солиқдан бўшаган маблағлар ҳисобига устав жамғармаларини шакллантиришга, айланма маблағларни кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга йўналтиришлари учун шароит яратилади.

Шуниси аҳамиятлики, ягона солиқ тўловчи микрофирма ва кичик корхоналарга солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади. Эндиликда ягона солиқ тўловининг таркибига давлат мақсадли жамғармалари мажбурий ажратмалари киритилганлиги сабабли, ушбу ажратмаларга ҳам имтиёз қўлланилади. Солиқ имтиёзларининг сақланиб қолиши, ягона солиқ тўловини тўлашда солиқ юкини янада камайтиришга олиб келади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилиндилар. Бу ҳам корхоналар гарданидаги солиқ юкининг камайишига ёрдам беради. Бугунга келиб, вилоятда 1300 дан зиёд микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашга ўтган бўлиб, улар мазкур Фармон асосида имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Солиқчиларимиз ҳам ўзларининг тадбиркорларга яқин ҳамкор ва мададкор эканликларини дилдан ҳис қилиб, улардан ёрдам ва маслаҳатларини аямаяптилар. Давлат солиқ инспекцияларида, солиқ таянч пунктларида Президент Фармонлари ва қарорлари ҳақида кўргазмалар ташкил этилган. Солиқ таянч пунктлари, участка солиқ инспекторлари хоналарида эса солиқ тўловчиларнинг солиққа оид қонун ва қарорлар, адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар билан танишишлари учун етарли имкониятлар яратилган. Корхона, ташкилот ва маҳаллаларда тадбиркорлар иштирокида тез-тез семинар-ўқувлар, семинар-йиғилишлар ўтказилиб, барча саволларга тўлақонли жавоблар берилмоқда. Биргаликда амалга ошириладиган ишлар белгилаб олиниб, тадбирий чоралар кўрилмоқда. Жумладан, барча давлат солиқ инспекциялари томонидан ҳисоботларни қабул қилиш жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, улар ана шунга мувофиқ қабул қилинмоқда.

**Одилхон РУСТАМОВ,**
**Хоразм вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи**

*Республика касаба уюшма ташкилотларида*

## КОРХОНА САНАТОРИЙСИ

***Ҳиссадорлик жамияти «Тошкент ёғ мой-комбинати» қўшма корхонаси қошида кўп йиллардан буён «Настарин» санаторий-профилакторийси фаолият кўрсатиб келмоқда. Яқинда ушбу корхонада 20 миллион сўм сарфланиб қурилган соғломлаштириш мажмуи ҳам ишга туширилди.***

«Настарин»да йилига 400 нафарга яқин ишчи-хизматчилар соғлиқларини тиклашмоқда. Йўлланмалар нархининг 30 фоизи корхона ҳисобидан қопланяпти. Шунингдек, ишламайдиган пенсионерлар эса корхона касаба уюшма ташкилоти назоратида бўлганликлари учун жамоа шартномасига мувофиқ икки йилда бир марта бепул даволанишмоқда.

Санаторий-профилакторийда меҳнаткашларнинг мароқли дам олиб, даволанишлари учун барча шароит муҳайё. Бу ерда қанд касаллиги, ошқозон ичак яраси ва бошқа бир қатор касалликларни даволаш учун парафин ва озокерит, электр токи билан даволаш хоналари ишлаб турибди. Малакали шифокор ҳамда тиббиёт ходимлари лазер нури, ультрабинафша нури, дарсонваль, электрофорез ва бошқа муолажалар орқали кўпчиликнинг дардига малҳам бўлишмоқда.

## «АХБОРОТ - ЎҚУВ МАРКАЗИ» ИШ БОШЛАДИ

***Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг билим доираси, умуммаданий савиясини ошириш муҳим аҳамият касб этади.***

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Савдо матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма Марказий кенгаши касаба уюшма фаолларини қайта тайёрлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон касаба уюшма Федерацияси кенгашининг Ўқув марказида тармоқ касаба уюшма ташкилотларининг 104 нафар ходимлари ўз малакаларини оширишди.

Шунингдек, Марказий кенгаш раёсатининг қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари қошида тармоқ касаба уюшма фаолларининг малакасини ошириш мақсадида «Ахборот-ўқув марказлари» ташкил этилган. Ушбу марказларда ходимлар ўз билимларини ошириш, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини тубдан яхшилаш учун зарур бўлган маълумотларни олишга муваффақ бўлмоқдалар.

**Ўз мухбирларимиздан**

## ХАЁЛ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

*Бошланғичга кўп нарса боғлиқ*

***Бахмал тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг шу йил 24 июндаги раёсат йиғилишида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш, бир тизимга келтириш, уларга касаба уюшма ҳаётининг ташкилий, молиявий фаолияти бўйича услубий-амалий ёрдам кўрсатиш бўйича масала кўрилди.***

Бошланғич ташкилотлар иш юритиш ҳужжатлари билан ишлашда эътиборсизлик қилаётгани учун ишчиларнинг иш ҳақидан қарздорлиги кўпайиб кетаётганлиги, шунингдек, туман касаба уюшма қўмитасига аъзолик бадали умуман тушмаётганлиги масалалари қаттиқ танқид қилинди, йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Эътироф этиш лозим, ҳар бир раёсат йиғилиши шундай танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Бу эса муаммоларни бартараф этишда қўл келаётир. Хусусан, қўмита тасарруфидаги 28 та ташкилотда 2004 йил 1 январ ҳолатида 5 минг 714 нафар касаба уюшма аъзоси бўлгани ҳолда бугунга келиб уларнинг сони 6 минг 457 нафарни ташкил этди. Бошқача айтганда бошланғич касаба уюшма қўмиталари сони мингдан ошди.

Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш борасида туманда муайян ишлар қилинмоқда. Масалан, биргина жорий йилнинг ўзида 10 нафар боланинг суннат тўйи, 5 та келин-куёв тўйлари ўтказилди. 100 та кам таъминланган оилаларга 50 килограммдан ун берилди, 25 нафар 100 ва ундан катта ёшдаги онахонларнинг мучал тўйлари бўлиб ўтди. Шунингдек, 50 нафар чин етим болалар яшаётган оилалар электр тўловидан озод қилинди. 100 та оила газ, 40 та оила ичимлик суви, 40 та оиланинг электр энергияси тўловлари ҳомийлар маблағи ҳисобидан амалга оширилди. 10 та кам таъминланган ёлғиз кекса истиқомат қилаётган оилаларга бепул телефон ўрнатилди.

Туман аҳолисининг яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш, уларнинг соғликларини тиклаш, ўқувчи-ёшларнинг жисмонан бақувват, ақлан етук, билимли бирор-бир касб эгаси бўлиб етишишлари учун касаба уюшма қўмиталари томонидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, «Чинобод», «Янгийўл», «Умид гулшани», «Зомин» сиҳатгоҳларига жами 11 дона йўлланма 40 фоиз арзонлаштирилган ҳолда берилди.

Бахмал вилоятдаги илғор туманлардан ҳисобланади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар ўз самарасини бериб, сезиларли ўзгаришларга эришилмоқда. Ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Айни пайтда улар сони 1200 тага етказилди. Давлатга пилла, ғалла топшириш шартнома режалари ошириб уддаланди. Муваффақиятларнинг қўлга киритилишида қўмитанинг ҳам ўз ўрни бор.

Бироқ айрим бошланғич ташкилотлар фаолиятида сусткашлик, келишувчанлик ҳолатлари кузатилмоқда. Туман бўйича ҳар бир фермер хўжалиги агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси билан жамоа шартномалари тузиб, шу асосда фаолият юритаётганлигини ижобий ҳолат, дея баҳолаш билан бир қаторда нега аъзолик бадалини тўлаш фаромуш этилаётганлиги кишини ажаблантиради, беихтиёр. «Мустақиллик», «Турон» ва «Узунбулоқ» хўжаликларида фаолият кўрсатаётган бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари Яҳё Хушбоев, Ҳикматулла Ғанибеков, Раҳим Зиёевларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндошганликлари оқибатида жамоа шартномалари тўлиқ амалга оширилмади, фермер хўжаликларида ишловчи ишчилар учун меҳнат дафтарчалари ҳанузгача очилмаган.

Бошланғич касаба уюшма қўмиталари раислари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатмоқда. Балки шунинг учунми, улар фаолиятида сусткашлик ҳукмрон. «Боғишамол», «Ғаллакон», «Узунбулоқ», «Нўшкент», А.Ўсанов номли агрохизмат марказлари, «Оқ йўл» жамоа корхонасида йиллаб аъзолик бадаллари тўланмай келинаётганини қандай тушунмоқ керак?

– Барча бошланғич касаба уюшмалари корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари билан биргаликда ўзларининг жамоа шартномаларини тузиб олганлар, – дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман қўмитаси раиси Муборак Абдураззоқова. – Бироқ жамоа шартномаларидаги айрим масалалар ўз ечимини топмади ёки бажарилмасдан қолди. Масалан, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари ўз вақтида берилмаяпти. Шунингдек, техника хавфсизлиги яхши йўлга қўйилмаган. Ҳатто айрим ҳайдовчиларнинг ҳайдов гувоҳномаси йўқ, малакаси етмаса ҳам тракторни бошқариш ҳоллари учрамоқда.

Шу ўринда яна бир муаммо: қўмитанинг бор-йўғи икки ходими – раис ва ҳисобчиси йиллаб ойлик маошларини ололмай келаётганликларига нима баҳона-ю, уни қандай изоҳлаш мумкин?

Бугунги кунда туманда аҳоли ўртасида спортни оммавийлаштириш, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш дастурини амалга ошириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. «Ўсмат» шаҳарчисида спорт иншооти барпо этилди. Бу ерда футбол майдони, югуриш йўлакчалари мавжуд. Агрохизмат марказлари қўрғонларида спорт майдонлари бўлиб, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига кўплаб ёшлар жалб этилган. Аммо баъзи агрохизмат марказларидаги спорт майдонлари қаровсиз, ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги ҳам бор ҳақиқат. Спорт жиҳозлари етишмаслиги, спорт йўриқчиларининг йўқлиги жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга салбий таъсирини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, ташкилот, корхона хўжаликларида 250 кишидан ортиқ ишчи-хизматчилар бўлса, спорт йўриқчиси лавозимини жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Лекин иштиёқ ҳар қандай шароитда ҳам ўзлигини намоён этар экан. Шу сабабдан бўлса керак, туманда тез-тез спорт мусобақалари ўтказиб турилибди. «Биз – оилавий спортчилармиз», «Отам, онам ва мен - спортчилар оиласимиз» каби спорт тадбирлари ҳомийлар ёрдамида кенг миқёсда уюштирилиб, ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантирилаяпти. «Бахмалдон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, А.Ўсанов номли агрохизмат марказининг қилаётган саховати, айниқса, ибратлидир.

Жамоа шартномаларида кўзда тутилганидек, ишчи-хизматчиларнинг иш ва дам олиш вақти, улар меҳнатига ҳақ тўлаш, ўз вақтида меҳнат таътилига чиқариш, бунда оромгоҳ, сиҳатгоҳларга йўлланмалар бериш, бўш пайтларда маданий-маънавий дам олишларни уюштириш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш каби кўплаб вазифаларни бажариш касаба уюшмалари зиммасига катта масъулият юклайди. Талабчанлик ва ишчанлик бўлмаган, сусткашликка йўл қўйилган жойда бунга эришиб бўлмайди. Муваффақиятлар калити оммада. Бинобарин, кўп нарса бошланғич ташкилотларнинг ташаббускорлигига боғлиқ.

**З.РИХСИЕВ,**
**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

*Навоий шаҳрида Навоий Давлат педагогика институтининг янги биноси қурилиши жадал суръатлар билан қад ростламоқда. Бу ерда 750 талабага мўлжалланган ўқув биносини «Темур Малик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, тажрибали қурувчи Азамат Холиқов бошчилигидаги қурувчилар жамоаси бунёд этмоқда.*

*Ҳозиргача билим даргоҳининг 400 ўринга мўлжалланган ётоқхонасида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилиш арафасида турибди.*



***Суратда: қурувчилар иш режасини маслаҳатлашмоқда.***

***С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат***

## МАКТАБДА ЕТИШТИРИЛГАН АСАЛ

***Нориндаги 14-мактаб-интернат жорий йилда бюджетдан ташқари бир ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ олди. Бу маблағлар мактабдаги ёрдамчи хўжаликда етиштирилган мевалар, узум ва тоғ асалини сотишдан тушди.***

- Ихтиёримизда 40 сотихга яқин ер бор, - дейди мактаб директори Ҳабиб Мелибоев. - Унинг барчасига хурмо ва ток экилган. Бу йилги мавсумда 400 килограмм хурмо ва 300 килограмм узум олдик. Бундан ташқари, иккита асалари уясидан 60 килограмм асал олинди.

Норинликлар муваффақияти вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиниб, вилоятдаги 700 га яқин мактаб ва интернатларга мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш таклиф этилди.

**(ЎзА)**

*Бандлик дастури асосида*

## ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларга етарли шарт-шароит яратиб бериш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир. Айнан шу мақсадда Сурхондарё вилоятида «2006 — 2007 йилларда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури» мавжуд. Ушбу дастурда кам таъминланган оилаларни иш билан таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш шартлари аниқ белгилаб берилган.

Бу борада Узун тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ходимлари томонидан ибратли ишлар амалга оширилаётир.

Туманда яшайдиган 131 минг нафар аҳолининг 63 минг 500 нафарини меҳнатга лаёқатли кишилар ташкил этади. Демак, уларни доимий иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоялаш асосий вазифа саналади. Аҳолининг асосий қисми тоғ олди ва тоғли ҳудудларда истиқомат қилади. Бу муайян масалаларда ўзига хос ёндошувни тақозо этади. Шундан келиб чиқиб, шароити оғир 380 та кам таъминланган оилаларга иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан деҳқон хўжаликлари ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш учун 180 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилганлиги айни муддао бўлди.

Бу тадбирлар тўлиғича амалга ошса, чорвачилик, паррандачилик, деҳқончилик ва бошқа йўналишлар бўйича 950 та доимий янги иш ўринлари яратилади. Масалан, тумандаги «Тожикобод» маҳалласида яшовчи Ғофир Жўраев ўзи, икки ўғли ва турмуш ўртоғи ишсиз, чорвачилик билан шуғулланиши учун хонадонида шароити бор бўлса-да, мол сотиб олиш учун маблағи йўқ эди. Жамғарма маблағидан 1 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, чорвачилик билан шуғуллана бошлади. Натижада ҳам ишсизлик барҳам топди, ҳам оила даромадига даромад қўшилди.

Бундан ташқари, иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган айрим хўжаликлар тугатилиб, улар ўрнида юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ҳам туман меҳнат бўлими ходимлари зиммасига катта масъулият юкламоқда.

Тендерда ғолиб чиқиб, мулкка эгалик ҳуқуқини қўлга киритган янги фермерлар орасида меҳнат қонунчилиги кенг тарғиб этилганлиги боис ҳозиргача 2865 нафар кишининг муқаддам эгаллаб келган иш ўрни сақлаб қолинди.

— Жойларда янги иш ўринларини ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқдамиз, — дейди туман меҳнат бўлими бошлиғи Эркин Менглиев. — Бандлик дастурини амалга ошириш мақсадида жорий йилда бир неча бор меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 225 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

**Т. ЖАЛИЛОВ**

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

***Сирдарё вилоятида ишлаб чиқариш билан боғлиқ 20 та бахтсиз ҳодиса қайд этилди. Таассуфланарлиси, илгариги хатолар бот-бот такрорланиб жабрланувчилар сони камаймаётган бўлса-да, хавфсиз иш ўрни яратишга панжа орасидан қараш барҳам топмаяпти.***

Пахтасаноат ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги корхоналарда бахтсиз ҳодисалар кўпайиб бораяпти. Биргина ўтган йили 16 ҳолатда ишловчилар саломатлигига иш жараёнида захмат етганди. Бундан хулоса чиқариш, носоз агрегатлардан воз кечиш, одамларнинг меҳнатга онгли муносабатини шакллантириш даркор эди. Лекин бу не ҳолки, тармоқдаги кўнгилсизликлардан мутасадди идораларнинг ҳушёр тортгани сезилмади. Республика Бош Давлат меҳнат-техника инспекцияси ходимлари тизим корхоналарида бўлиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар бериб, оқсоқ жиҳатларга эътибор қаратилгани ҳам беҳуда кетди. Тўғри, меҳнат муҳофазасига дахлдор раҳбар, мутахассисларнинг билим, малакалари оширилди. Муддао юз берилган кўнгилсизликларга чек қўйиш, ходимларга кафолатланган хавфсиз иш ўрни яратишдан иборат эди, албатта. Лекин бу саъй-ҳаракатларни амалиётга татбиқ этиш, кафолатланган хавфсиз иш ўрни яратишга тизим корхоналарида на ҳафсала, на эътибор бўлди. Оқибатда ўтган йилги хатолар такрорланди. Одамлар ҳаётига путур етказадиган ҳодисалар олдини олиш чора-тадбирлари етарли даражада кўрилмаганлиги яна панд берди.

Энг ажаблантирадиган томони шундаки, хавфсиз иш ўрни яратиш, ходимларнинг бу борадаги билим ва кўникмалари ҳужжатларда бинойидек акс этгани ҳолда амалда бу ўз исботини топмаяпти. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун мисолларга мурожаат этайлик. «Бахт пахта тозалаш» корхонаси смена устаси Раҳмат Орипов шу йилнинг 10 февралида бахтсиз ҳодисага учради. Ишчиларга йўл-йўриқ кўрсатиб, қудратли агрегатлар билан тиллашиб юрган уста бир қўлидан ажралиб, умрбод ногирон бўлиб қолди. Ваҳоланки, ҳужжатларда корхона барча ходимлари меҳнат муҳофазасига доир қонун-қоидалар билан таништирилган, ўқувлар амалга оширилганлиги қайд этилган. Корхона бош муҳандиси Худойназар Алиев хавфсизликка дахлдор юмушларга тўн кийдирганига зид ўлароқ, суриштирув ва текширувларда бунинг акси кўзга ташланди. Амалда бу борада ҳеч бир иш қилинмаган. Ходимлар тегишли йўриқномалардан бехабар. Хавфсизлик чораларини билишмайди. Бу борада синовдан ўтмаган. Тайёрланган ҳужжатлар очиқдан-очиқ сохталаштирилган. Масъулиятсизлик, ходимлар тақдирига бўлган бефарқлик туфайли бош муҳандис Худойназар Алиев тегишли моддалар асосида жиноий жавобгарликка тортилди.

Ёхуд «Пахтаобод пахта тозалаш» корхонасини олиб кўрайлик. Мазкур жамоада ҳам қатор йиллардан бери ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлаётир. То ҳануз бунга чек қўйиш, хавфсиз иш шароити яратишнинг уддасидан чиқилганича йўқ. Ўтган йили бир қатор меҳнатда майибланиш кузатилганди. Бу йил яна такрорланди. Шу йилнинг 28 февралида корхона ишчиси А.Абдуқаххоров 9-сонли бунтда пахта босиб қолиб, воқеа жойида ҳалок бўлган. Хўш, машъум воқеа содир бўлмаслиги мумкин эмасмиди? Ахир, эҳтиёт чоралари кўриш шунчалик мушкулми? Бу соҳада юз берган биргина ҳодиса эмас. «Боёвут пахта тозалаш» корхонасига қарашли «Шарқ юлдузи» пахта пункти ёлланма ишчилари 1956 йилда туғилган Раҳмат Резванов ҳамда 1980 йилда туғилган Саид Закиров ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмишди. Улар шу йилнинг 3 сентябрида пахта ғарамлаётган пайтда учқун чиқиб, ёнғин натижасида қаттиқ тан жароҳати олишган. Ваҳоланки, бундан сал илгари жин агрегати ишчиси Илҳом Муқимов иш жараёнида бир қўлидан айрилган эди.

«Гулистон пахта тозалаш» корхонасида ҳам бахтсиз тасодифлар тез-тез содир бўлиб турибди. Ишчи М.Усмонов ҳамда корхона тасарруфидаги «Қизилобод» тайёрлов пункти ходими М.Жўлиев ҳам турли даражада жароҳат олишган. Ҳатто чигит тарозибони 1987 йилда туғилган Ирода Нишонбоева ҳам бахтсиз ҳодиса туфайли бир оёғидан ажралиб қолди.

Ҳеч ким ўзини бекордан-бекорга ўтга-чўққа урмайди, албатта. Аммо етарлича кўникма, тажриба бўлмагач, беихтиёр чоҳга қулашлик ҳеч гап эмас. Шундай экан, маъмурият, муҳандис-техник мутахассислар ҳар бир ходим билан индивидуал ишлаши лозим эмасми? Бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрдийдаларга тўланаётган товон ва нафақа пулларининг ҳисоби борми, йўқми? Аммо гап аслида пул ҳақида ҳам эмас. Чунки пул ҳеч маҳал инсон ўрнини қопламаган, қоплай олмайди ҳам.

— Энг ачинарлиси, тизим корхоналари юз берган бахтсиз ҳодисаларни яшириш пайида бўлишади, - дейди Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси давлат меҳнат инспектори Тўлқин Абдураззоқов. Бу нафақат қонунларимизга, инсонийлик мезонларига ҳам зидлигини аксарият ҳолларда унутиб қўйишмоқда.

Ўрни келганида яна бир

*Хонадонда тиббий маданият*

# АВВАЛО СОҒЛИҚ КЕРАК

***Замонавий услубда барпо этилган бу кўркам бино – шифо маскани. У Оҳангарон шаҳридаги энг салобатли бинолардан саналиб, 12 ярим минг нафар аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатади. Шунингдек, шаҳар ҳудудига жойлашган саноат корхоналари ишчилари соғлиғини муҳофаза қилиш ҳам жамоа шифокорлари зиммасида.***

Шифохонанинг биринчи қаватида беморлар рўйхатга олиниб, қабул бўлимида текширувдан ўтказилади. Лозим бўлса шу ернинг ўзида биринчи ёрдам кўрсатилади. Қачонки, бемор ўзини яхши ҳис қилгандан сўнг шифокор қабулига йўлланади. Мутахассис ҳаким уни қабул қилиб, керакли дори-дармонларни ёзиб беради. Зарурат бўлганида бемор кундузги даволаш бўлимига жойлаштирилади.

Оилавий поликлиникада фаолият кўрсатадиган мутахассис шифокор иш кунининг учдан бир қисмида беморларни қабул қилади. Сўнг ўзига бириктилган 15 та кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган аҳоли саломатлигини назорат қилади. Айни кунда бу эзгу ишга 46 нафар тиббиёт ходими жалб этилган. Улар белгиланган режа асосида хонадонларда аҳолини тиббий кўрикдан ўтказадилар. Саломатлик ҳақида суҳбатлар уюштириб, зарур даво чораларини қўллайдилар. Шунингдек, кунора 258 нафар ногирон ҳамда 17 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бориб, хабар олиб туришади. 72 нафар ёлғиз қариялар, 500 нафар пенсионерлар ҳам тиббий назоратда. Зарур тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳамширалар хонадонларда бўлиб, оила аъзоларини, айниқса, диспансер ҳисобида турадиган кишиларни дастлабки кўрикдан ўтказишади. Шунга қараб муолажа белгиланади. Малакали шифокорлар ҳамшира белгилаган хонадонда бўлишади.

Маълумки, оилада тиббий маданиятни ошириш аҳоли ўртасида турли хасталиклар, айниқса, юқумли касалликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва асоратсиз даволашда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам хонадон, маҳалла, мактаб, боғча, саноат корхоналарида бўлиб, суҳбатлар уюштириш анъана тусини олган.

Кадрлар малакасини оширишга ҳам алоҳида аҳамият беряпмиз, – дейди бош шифокор Нурия Турсунова. – Ҳамшираларимиздан Дилфуза Баҳодирова, Зуля Пирджекова Исроилга бориб, тажриба алмашиб қайтишди. Улар айни кунда нафақат шифо маскани, балки тумандаги мавжуд қишлоқ врачлик бўлимлари ишида ҳам кўпгина янгиликларни киритмоқдалар.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Тошкентдаги В.Успенский номли республика махсус мусиқа академик лицейига хориждан қўш хушхабар келди. Улардан бирида мазкур таълим даргоҳининг 4-синф ўқувчиси, фортепьяно ижрочиси Елена Кан Грецияда ўтган «Концертэум» халқаро мусиқий кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллагани ҳақида эди. Иккинчисида эса бундай ғолиблик Италияда ўтказилган халқаро ёш пианиночилар танлови иштирокчилари - лицейнинг 4-синфида таҳсил олувчи Фотима Аҳмадова, 5-синф ўқувчиси Тамара Акбарова ҳамда 8-синф ўқувчиси Тамила Салимжоновага ҳам насиб этгани қайд қилинганди.

## ЁШ МУСИҚАЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Бу мазкур лицей ўқувчиларининг биринчи ва тасодифий муваффақияти эмас, албатта. Зеро, мамлакатимизда ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларга мукаммал таълим бериш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборидадир. Айни пайтда юртимиздаги кўплаб махсус мусиқа мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, моҳир ўқитувчиларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилаётир.

В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида бугуги кунда олти юздан ортиқ ўқувчи таълим олади. Улар мусиқа сир-асрорларини пухта эгаллашида ўқув масканининг нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам яхши танилган педагогик жамоасининг муносиб ҳиссаси бор. Шу боис лицейнинг Навфал ва Нурон Муқумий, Беҳзод Абдураимов, Нодира Дадамуҳамедова, Эвелина Черномур сингари ўқувчилари ҳам нуфузли халқаро танловлар ва фестивалларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

**(ЎзА)**

# САОДАТ СОҲИБАЛАРИ

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, улар ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, ишлаб чиқариш соҳасида улар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Қўшкўпир туман хотин-қизлар қўмитасида уч ҳаракат йўналиши бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Ўтган даврда хотин-қизлардан 8 нафарини раҳбарлик лавозимларига кўтаришга эришдик. Шунингдек, кадрлар заҳирасини бойитишга ҳисса қўшилди. Маҳаллий кенгашлар депутатлари орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Қўмитамиз аъзолари бўлмиш ўн бир кишидан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳи туздик. Улар маҳаллалар, таълим муассасалари ҳамда корхона-ташкилотларда ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва гиёҳвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг шу кунигача 31 та умумтаълим мактаби, 11 та маҳалла, 3 та коллеж ва 2 та лицейда учрашувлар ўтказилди. Тумандаги 3 та нодавлат-нотижорат ташкилот билан ҳамкорликда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида семинар-тренинглар уюштирдик.

Дастурнинг яна бир йўналиши тўлалигича оналик ва болаликни ҳимоя қилишга қаратилган. Бунга кўра жорий йилда туман халқ таълими тизимида «Соғлом турмуш тарзи ва оила» мавзуида ўқувлар ташкил қилинди. Йил бошидан буён никоҳи қайд қилинган 1500 нафардан зиёд ёш тиббий кўрикдан ўтказилди. Хотин-қизлар қўмитаси қошида ташкил этилган «Ёш оила» мактаби фаолияти барчага манзур бўлмоқда. Бундан ташқари, ёшларни соғломлаштириш маркази ва 21-мактабда қизлар бадиий гимнастикаси тўгараги ишлаб турибди.

Сўнгги йўналишдан жой эгаллаган хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини ҳимоялаш масалалари бўйича 2005-2007 йилларга мўлжалланган ишлар режаси тузилди. Туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда йил давомида уч марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. 600 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланди.

Жойларда ташкил этган



*Жараён*

«Уста-шогирд» мактабларимиз ёшларга тикувчилик, тўқувчилик ва дурадгорлик сирларини ўргатишга муносиб улуш қўшяпти. Ғазовот қишлоғида қандолатчилик ишлари билан 6 нафар ёш шуғулланмоқда. Қўшкўпир шаҳарчасидаги 3 та тикувчилик цехида қизлар касбга ўргатилмоқда. Шунингдек, туманимиз хотин-қизлари «Келажак», «Чинор», «Лочин» нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташкил қилиб, фаол ҳаракат олиб боришяпти.

Ҳудудда жойлашган мавжуд 45 та фуқаролар йиғини таркибидаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ҳамда 31 нафар маслаҳатчи туман «Маҳалла» жамғармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Маслаҳатчиларнинг тиббий соҳадаги билим ва малакаларини ошириш учун махсус дастур асосида ўқув курси ташкил қилинганлиги эса ишларимиз савиясининг янада ортишига хизмат қилмоқда.

**С.МАТЁҚУБОВА,**
**Қўшкўпир туман хотин-қизлар қўмитаси раиси**

*Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда*

# УЛАР БИЗДАНДА БАХТЛИ...

***Ёзёвон туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма вакиллиги мактабларда таълим сифатини яхшилаш ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига катта эътибор қаратмоқда. Туманда бугунги кунда 34 та умумтаълим мактаблари ва иккита иқтидорли болалар маскани мавжуд бўлиб, унда 18 мингга яқин ўқувчилар билим олмоқда.***

Иқтидорли болалар мактабларини битирган ёшларнинг 75-80 фоизи олий ўқув юртларига қабул қилинаётир.

Рағбат бор жойда натижа ҳам ўзини куттириб қўймайди. Жорий йилда вилоятдаги «Гулшан», «Коинот», «Роҳат» каби оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 800 га яқин фарзандлари ҳордиқ чиқардилар. 30 дан ортиқ ходимлар эса турли санаторийларда дам олдирилди.

– Туман халқ таълими бўлими мутасаддиларини ўйлантираётган масалалар ҳам йўқ эмас. Математика, тарих, кимё, биология, физика фанларидан ўқитувчилар тақчил. Шу боис соҳада узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган фидойи, тажрибали педагоглар имкониятларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Умуммиллий дастур асосида 8,10, 32-мактаблар мукаммал, 35-иқтидорли болалар мактаби жорий таъмирланди. 24-мактаб ўқувчиларига эса замонавий типдаги спорт зали топширилди. Ушбу бунёдкорлик ишлари учун ажратилган маблағ тўлалигича ўзлаштирилди. Давлат дастури асосида бюджетдан ажратилган маблағга қўшимча тарзда маҳаллий ҳокимлик, маҳалла ҳамда ҳомийлар ўзларининг беминнат ёрдамларини аямадилар. Ҳозирги кунда таълим масканларини мебел, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускунлари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бир нечта ўқув масканларида дурадгорчилик, зардўзлик, тўқувчилик, кулолчилик каби миллий ҳунармандчилик тўгарак-цехлари ишлаб турибди. Ўқувчилар қўли билан ишлаб чиқарилган бежирим гултуваклар харидорларга манзур бўлмоқда. Тушган маблағ эса ушбу мактаблар зарурати ва кам таъминланган ўқувчилар учун сарфланмоқда. Ўтган ўқув йилида кам таъминланган 1701 нафар болага 32 миллион 707 минг сўмлик кийим-бош тарқатилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига 10 миллион 29 минг сўмлик бепул дарсликлар берилди.

Туманда спорт, футбол мактаблари, тарбиявий ишлар маркази фаолият кўрсатмоқда. Турли йўналишдаги тўгаракларда 10 минг 370 нафар ёшлар севган машғулотлари билан шуғулланишмоқда.

**З.БОЛТАБОЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Турфа олам*

# ТОШКЕНТДА СОАТ 12 ДЕЙЛИК...

Дунёни биринчи марта айланиб чиққан Магеллан экспедицияси ўз ватанига қайтиб келганида, экспедициянинг кун ҳисоби унинг ватанидаги кун ҳисобидан бир кун кам эканлиги маълум бўлди. Ҳақиқатан ҳам ғарб томонга, яъни кун ботиш томонга қараб саёҳатга чиқсангиз назарингизда қуёш кундан-кунга кечикиброқ чиқаётгандек туйилади. Ерни айланиб ўз жойингизга келганингизда бир кеча-кундуз «йўқотган», яъни календар ҳисобидан бир кун кейинга қолган бўласиз. Агар кун ботиш томонга эмас, кун чиқиш томонга шарққа қараб, дунёни айланиб чиқсангиз аксинча бир сутка «ютасиз».

Бунга сабаб ер куррасининг суткалик ҳаракатидир. Сайёрамиз бир сутка деб атайдиган вақт 24 соат ичида ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа қараб бир марта айланиб чиқади.

Шарққа қараб жўнаб, ғарбдан ўз жойига қайтиб келган саёҳатчи ер ўқи атрофида ер билан бирга ҳам, ўз йўналиши билан ҳам айланиб чиқади. Натижада саёҳатчи ер ўқи атрофида «муқим» одамларга қараганда, бир марта ортиқ айланган бўлади. Шунинг учун у бир сутка «ютади». Ғарбга қараб кетган киши эса, аксинча, ер куррасини тескари томонга айланиб чиқиб, бир сутка йўқотади.

Вақтда бундай тафовутлар содир бўлмаслиги учун кун ҳисобининг халқаро чегараси белгиланган. Маълумки, ер айланаси 360 градусга тенгдир. Кун ҳисобининг халқаро чегараси Гринвич (Лондон шаҳри яқинидаги обсерватория) меридианидан 180 градус наридаги меридианга тахминан тўғри келади. Кун ҳисоби чегараси асосан океанлардан ўтади. Бу чегарани ғарбдан шарққа кесиб ўтган кема бир куннинг ўзини икки марта ҳисоблайди, яъни бу чегарадан ўтилган кун 19 август бўлса, кейинги кун ҳам 19 август бўлади. Шарқдан ғарбга томон мазкур чегарани кесиб ўтган кема эса ҳисобдан бир кунни чиқариб ташлайди. Яъни 20 августдан кейин бирданига 22 август деб ҳисоблайди.

Ер куррасининг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли ерда тун билан кун алмашилиб туради ва ернинг турли меридианларидаги жойларда айни бир вақтда маҳаллий вақт турлича бўлади. Масалан, Тошкентда кишилар эрта билан туриб юз-қўл юваётганларида, Болтиқбўйи ҳудудларида одамлар ширин уйқуда, Узоқ Шарқда тушки овқатланишга чиқаётган, Америкада эса ётиш учун тараддуд кўраётган бўладилар.

## БИР СУТКА 24 СОАТ. НЕГА?

Одамлар бир кеча-кундузни 24 соатга бўлишни расм қилиб олгунларича узоқ йиллар ўтди. Хўжалик ишларини тартибга солиш учун вақтни жуда аниқ белгилаш талаб қилинмаган энг қадимги замонларда кишилар бир кеча-кундузни тўрт қисмга, яъни эрта, кундуз, кеч ва тунга бўлиш билангина кифояланганлар.

Эрамиздан бурун яшаган қадимги грек шоири Томер бир суткани олти қисмга: туннинг боши, ўртаси ва охири, куннинг эрта, туш пайти ва кечқурунга бўлиниши ҳақида нақл қилган эди. Кейинчалик кўпгина халқлар зарурият соҳасида суткани майдароқ қисмларга бўлишга урунганлар. Чунончи, эрамиздан аввалги VIII асрдаёқ Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида яшаган бобилликлар бир суткани 12 қисмга бўлганлар, бу қисмларни ҳар бири бизнинг икки соатга баробар келарди.

Жамият тараққиётига қараб вақт ўлчовини яна шайдо бирликларга бўлиш зарурияти туғилди. Шунда баъзи халқлар кунни ўн икки соатга, тунни ҳам 12 соатга тақсимлаганлар. Шу тариқа сутка 24 соатга бўлинган.

Маълумки, кун ва тун йил давомида узайиб-қисқариб туради. Шу сабабли кунни ҳам, тунни ҳам бир-бирига тенглаштириб уларнинг ҳар бирини 12 соатга бўлиш ноқулайликлар туғдирди. Буни ҳисобга олиб кунни ва тунни алоҳида-алоҳида ҳисобламасдан, умуман суткани баб-баравар 24 соатга бўлишга қарор қилинди.

Астрономия фаннинг илмий масалалари соати янада майда бирликларга бўлишни тақозо этди. Шу тариқа, соат 60 дақиқага, дақиқа эса 60 сонияга бўлинди. 60 сони кўпгина амалий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда танлаб олинди. Бу сон ҳисоблашга қулай, кўп бўлувчиларга (2,4,6,10,12,15) эга. Бундан ташқари бу сонни танлашда Шарқда тарқалган олтмишлик ҳисоблаш тизими ҳам назарда тутилди.

XVIII асрнинг охирида, яъни метр ўлчовлар тизимининг лойиҳаси ишлаб чиқилган пайтда машҳур олим Лаплас бир суткани 10 соатга, соатни-100 дақиқага, дақиқани эса юз сонияга бўлишни таклиф қилганди. Францияда янги ўлчов бирлиги тизимига ўтишга уриниб ҳам кўрилди.

Вақтни шу тизим бўйича кўрсатувчи бир неча нусха соатлар тайёрланди. Бироқ бу соатларни энди баъзи музейлардагина кўриш мумкин. Чунки ҳаёт вақтни ўлчашда эски тизимнинг маъқул эканини кўрсатди.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ КУЧЛИЛАР САФИДА

Фигурали учиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари келаси йилнинг 10-28 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида бўладиган қишки Олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик кўриш мақсадида нуфузли халқаро турнирларда фаол иштирок этмоқда.

Юртимиз фигурали учиш усталари Россиянинг Санкт-Петербург ва Япониянинг Осака шаҳрида Гран-при туркумига кирувчи турнирларда муваффақиятли қатнашди.

Санкт-Петербургдаги халқаро мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Анастасия Гимазетдинова яккалик беллашувларида мусобақанинг финал босқичига йўлланма олди ва олтинчи ўринни эгаллади.

Гран-прининг Осакада ўтказилган сўнгги босқичида жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда қатнашган Марина Аганина ва Артём Князев дуэти ҳам олтинчи натижани қайд этди.

## ФЕРМЕРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилаётган сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини қўллаб-қувватлаш дастури республикамизда қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бу нуфузли лойиҳа доирасида илмий изланишлар ҳам олиб борилмоқда.

Бундай тадқиқотлар натижаси ўлароқ «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари» деб номланган қўлланма ҳам юзага келди.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда босмага тайёрланган бу янги нашрда республикамиз фермерлик фаолиятининг муҳим жиҳатлари атрофлича ёритилди.

Шуниси эътиборлики, қишлоқ хўжалиги ходимлри учун фойдали адабиёт бўлган бу қўлланма фермерларга, талабаларга бепул тарқатилди.

## «ОЛЧАЗОР» ЯНА САҲНАДА

Атоқли рус ёзувчиси Антон Чехов драмалари кўплаб театрлар томонидан постановка қилинган. Унинг «Олчазор» деб номланган пьесаси эса томошабинларнинг севимли спектаклига айланган.

Ушбу машҳур асар Ўзбекистон академик рус драма театри репертуаридан ҳам ўрин олди. Яқинда саҳна юзини кўрган бу постановка «Коломенколик жаннат» деган номда тақдим этилди.

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Шапиро режиссёрлигида саҳналаштирилган бу постановка томошабинлар эътиборини тезда ўзига тортди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу спектакл Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлик лойиҳаси доирасида тақдим этилди.

*Турмуш чорраҳаларида*

# ТУН ЯРМИДАН ОҚҚАНДА

***Акасини тушида кўрди. Кенг кўчада Алижон оқ саман отга миниб юрганмиш, уни кўриб ёнига келибди. Кўзлари тўла жиққа ёш эмиш. «Сенда айб йўқ, Санобар, ҳамма айб ўзимда. Дуруст фарзанд, яхши эр ва ота, муносиб ака бўлолмадим. Ботқоқларда санқидим. Нопок кимсаларга улфат тутиндим. Алалоқибат «Саёқ юрган таёқ ейди» деганларидек, ўз-ўзимга сенинг қўлинг билан хукм ўқидим, сингилгинам, дермиш.***

Санобар уйғониб кетди. Оппоқ нафармон тонг оқариб келарди. Тушини, акасини ўйлаб дилини ҳасрат қоплади. «Нима қилиб қўйдим, оҳ акажоним-а, энди бу тавқи лаънатни қандай кўтариб юраман?! Қўлим қон, ўз жигаримнинг умрига зомин бўлдим! Қотилман, қотил – дея кўксига муштлар, бироқ унинг оҳ-зорини Яратгандан ўзга эшитмасди. Ёстиқ ҳўл бўлди.

Йиғлай-йиғлай тоғдек армонни юрагининг қаърига беркитиб, ёлғиз боласига нонушта ҳозирлагани ўрнидан турди. Уни боғчага олиб бориши керак, ўзи эса ишга. Ҳаёт ана шундай давом этаверади. Тириклик қонунияти бу. Акаси Алижон бебош ўсди. Ўғирликка қўл уриб, бир неча бор қамалиб чиқди. Оилали, бола-чақали бўлиб ҳам эси кирмади. Ичкиликка ружу қўйди, азобини янгаси Олмахон, жиянлари ва Санобар тортди.

Пешонаси шўр экан, шекилли, турмушга чиқиб ҳам тинмади. Бир йил яшар-яшамас ажралди ва акасиникига қайтиб келди. Орадан бироз фурсат ўтиб, бошқа бир йигитдан фарзанд орттирди. Лекин бирга яшаш насиб этмади. Йигит кўпроқ пул топиш илинжида чет элга кетди. Санобар норасидаси билан акасиникида қолди.

Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, деганлари рост экан. 2004 йилнинг 31 декабр туни юз берган фожеа ҳаётини буткул заҳар-заққумга айлантирди. Курраи замин янги йил нашидасини сурар, Санобарнинг дилига чироқ ёқса ёришмасди. Шубҳали аллақандай мусибатни дили ҳис этиб турарди.

Пешиндан сўнг қаёққадир чиқиб кетган акасидан ҳадеганда дарак йўқ эди. Кеннойи-қайнсингил байрам таомларини пишириш билан овора, лекин бот-бот ҳар иккови яширинча соатга қараб-қараб қўйишарди. Хавотирлари бежиз эмас эди. Тунги соат 11.30 да Алижон оёқда туролмайдиган ҳолатда пайдо бўлди.

– Дадам маст эканлар! – деди Алишер овози титраб.

– Шўримиз қурибди. Байрам татимайдиган бўлди, – деди Олмахон йиғламоқдан бери бўлиб.

Алижон стулга чўкди. У янги йил кутадиган аҳволда эмас эди. Ҳар галгидек оғзидан боди кириб шоди чиқарди. Олмахон билан Санобар уни ҳаргиз тинчлантиришга уринмасин, Алижон босилмади. Шердек бўкириб, бегуноҳ хотинини, атрофида гирдикапалак бўлаётган синглисини бўралаб сўкишдан тўхтамади. «Кетинглар мени уйимдан!» деб ўдағайлашни қўймади.

Муштипар аёллар гангиб қолишди. Хонадонда ҳали бошланиб улгурмаган байрам ниҳоясига етганди.

Болалар жанжал учун яралмаган. Уларнинг дунёси ўйин. Арчанинг жозибадор ялт-юлти ҳам, ажойиб таомлар ҳам Зуҳра билан Алишерни уйда олиб қололмади. Уйнагани кўчага чиқиб кетишди. Санобар билан Олмахон учун жанг давом этарди.

Олмахоннинг авра-астари қолмади. Сўкишдан чарчаган Алижон стол устида турган пичоқни олиб, унга ташланди. Ўлдираман, чавақлаб ташлайман.

– Э, сени ичирганнинг уйи куйсин! – Олмахон зўрға ўзини четга олди ва Санобарнинг боласини кўтариб нариги хонага қочиб кирди. Санобар акасига ялинди, инсофга келишини сўради. Қани энди Алижонга кор қилса. Ноўрин сўкишлар, ҳақоратларга чидолмаган Олмахон яна уларнинг олдига чиқди.

Алижон Олмахонни кўриб, яна пичоқ олиб унга ҳамла қилди. Лекин қўли столнинг четига тегиб, пичоқ пастга тушди. Санобар ундан олдинроқ пичоқни олди-ю, беихтиёр рўпарасидаги «дев»нинг кўксига санчди. Қўрқинчли фарёд овозини эшитиб кўчадан югуриб кирган Алишер қичқириб юборди.

– Аммажон, нима қилиб қўйдингиз. Дадамни ўлдирдингиз-ку?!

Ана шундагина Санобарнинг ҳуши ўзига келди ва ув тортиб акасининг устига ўзини ташлади. Алижон титрар, қон тирқираб оқарди. Парвардигор ноқобил бандасига мурувват кўрсатмади. Алижон шифохонада бандаликни бажо келтирди. Суюкли сингил эса жиноятчи бўлиб қора курсига ўтирди.

У ўз хатти-ҳаракатлари билан ЎзР Жиноят Кодексининг 104-моддаси 3-қисми «Д» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганди. Жиноят ишлари бўйича туман судида мазкур иш кўрилди. Далиллар чуқур ўрганилди. Экспертиза хулосалари инобатга олинди. Гувоҳлар сўралди. Натижада жиноят далиллари ўз исботини топди. Суд судланувчига жазо тайинлашда унинг шахсини қилмиш ҳаракатига чин кўнгилдан пушаймонлигини, биринчи бор судланаётганлигини, қарамоғида норасида фарзанди борлигини, шунингдек, марҳумнинг муқаддам бир неча бор судланганлигини, жабрланувчининг қонуний вакили Олмахоннинг даъвоси йўқлиги инобатга олиниб, ЎзР ЖКнинг 73-моддасига асосан жазо тайинланди. Судланувчи ЎзР ЖКнинг 72-моддасига биноан 8 йил қамоқ жазосини шартли равишда ўтайдиган, яъни у бу йиллар очиқда, фарзанди ёнида қоладиган бўлди.

Йиллар елдирим, ғафлатда қолдириб елвизак мисол ўтаверади. Бироқ ўз-ўзидан қоча олмаган Санобар бу йилларни қандай кечираркин?...

**Шарофат ИСКАНДАР қизи**

## МАНҒИТ БЎЙРАЛАРИ

Бўйра тўқиш қадимий халқ амалий санъати ҳунармандчилиги бўлиб, илгарилари бўйралардан одамлар кўп фойдаланиб келганлар. Бу миллий ҳунарни эъзозлаб келаётганлар ҳозир ҳам бор.

Қамаши туманидаги Манғит маҳалласини «Бўйрачилар маҳалласи» деса бўлади. Манғит маҳалласидаги деярли ҳар бир оиланинг аъзолари бўйра тўқиш санъатини пухта эгаллаб, момомерос ҳунарни давом эттириб келишмоқда. Бўйра оддий қамишдан тўқилади. У заҳ ва намликни ўтказмаслик билан бир қаторда уйни ҳар хил заракунанда ҳашаротлардан ҳам сақлайди. Шунинг учун ҳам бўйра жуда харидоргир. Сифатли тўқилган бўйраларни бозори чаққон. Уни асосан ошхона, ресторан, қаҳвахоналарнинг эгалари харид қилишмоқда. Намни ўтказмаслиги ва иссиқлиги туфайли фермерлар ундан ўтовларни тиклашда фойдаланишмоқда.

Манғит маҳалласида кўпчилик бу ҳунар билан шуғулланади. Бу ўз навбатида, кам таъминланган, ночор оилаларнинг ўз иқтисодий аҳволини ўнглаб олишга имкон яратмоқда. Маҳалладагилар бўйра тўқиб ҳам анчагина даромадга эга бўлиш, ҳам оила иқтисодиётини юксалтириш мумкинлигига амин бўлишган. Бир метр бўйрани бозорда олдинлари 500 сўмдан сотишган бўлса, бугунга келиб, харидорнинг ўзи маҳсулотга буюртма бермоқда, ҳунармандининг уйидан анча баланд нархларга олиб кетишмоқда. Бўйранинг афзаллик томонлари жуда кўп. Тайёр маҳсулот учун кетган ҳаражатни тўлиқ қоплайди. Муҳими деярли унут бўлиб кетган халқ ҳунармандчилигининг бу тури қайта тикланди. Қувончли томони шундаки, бўйрага бўлган талаб ортиб бормоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Газетанинг навбатдаги сони 20 декабрда чиқади*

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 23.00

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.